


3-25-2021

ORIGIN OF THE TERM "SATIRE" IN FICTION

Mukadas Murodova

Pedagogical Institute of Termez State University, Termez, Uzbekistan, beauty.of.heart@mail.ru

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/philolm>

 Part of the [English Language and Literature Commons](#), [Language Interpretation and Translation Commons](#), [Linguistics Commons](#), [Other Languages, Societies, and Cultures Commons](#), and the [Reading and Language Commons](#)

Recommended Citation

Murodova, Mukadas (2021) "ORIGIN OF THE TERM "SATIRE" IN FICTION," *Philology Matters*: Vol. 2021 : Iss. 1 , Article 10.

DOI: 10.36078/987654477

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/philolm/vol2021/iss1/10>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in *Philology Matters* by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.



Received: February 13, 2021
Accepted: March 24, 2021
Available online: March 25, 2021

Муқадас Муродова

Термиз давлат университетининг Педагогика
институтининг ўқитувчиси
Термиз, Ўзбекистон

БАДИЙ АДАБИЁТДА “САТИРА” АТАМАСИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ

АННОТАЦИЯ

Мақолада “сатира” атамасининг келиб чиқиш тарихи, сатира турлари, илмий луғатлар ва бошқа манбаларда ушбу атамага берилган таърифлар ўрганилиб, таҳлил этилган. Рус, инглиз, ўзбек ёзувчиларининг сатирик асарларига мурожаат қилинган ва уларни адабиётшуносларнинг сатира ҳақидаги фикрларига асосланиб ўрганган.

Сатира жуда қадимий жанр, у асрлар давомида тараққий қилди ва бадий адабиётнинг деярли барча турларини қамраб олди. Сатирик ёзувчиларнинг ҳар бири ўзи яшаб турган даврнинг ижтимоий ҳодисаларини ҳазил, мutoйиба билан фош этишга, уни халққа намоийш қилишга ҳаракат қилганлар. Сатирик асарлар ўқувчига завқ бериши жиҳати ва ўлмаслиги билан ажралиб туради.

Қадимги Рим адабиётида Квинт Гораций Флакк, Децим Юний Ювенал, Менипп Гадарский сатиранинг юксакларга кўтарган бўлса, инглиз адабиётида Жонатан Свифт, Даниэл Дефо, Марк Твен ўз асарлари билан ўқувчилар калбида чуқур из қолдирди.

Рус адабиётида Николай Васильевич Гогол, Михаил Евграфович Салтиков-Шчедрин, Михаил Михайлович Зошенко ижодида сатира жанри гуллади. Ўзбек адабиётида сатиранинг дастлабки намуналари халқ оғзаки ижодида пайдо бўлган, кейинчалик ёзма адабиётда кириб келиб гуллаб яшнаган. Турди, Махмур, Гулханий, Ҳозик, Муқимий, Завқий ижодида сатира элементларининг анча кенг истифода этилганини кузатиш мумкин. XX асрда

Mukadas Murodova

Teacher, Pedagogical Institute of Termez State
University
Termez, Uzbekistan
E-mail: beauty.of.heart@mail.ru

ORIGIN OF THE TERM "SATIRE" IN FICTION

ANNOTATION

The article provides an in-depth analysis of the history of the origin of the term satire types of satire, definitions of the term satire in encyclopedias and scientific dictionaries. Representatives of satire in Russian, English and Uzbek literature are also mentioned. The article also includes opinions of famous scholars on satire, as well as their translation into Uzbek.

The genre of satire has evolved since ancient times and covered almost all types of fiction. The satirist writers exposed the social events of the period in which they lived with humor and satire. They put the final conclusion on their works to readers themselves. Satirical works delight readers, they are immortal.

In ancient Roman literature, Quintus Horace Flaccus, Detsim Junior Juvenile, Menippus Gadarsky elevated satire, while in English literature Daniel Defoe, Jonathan Swift, in American literature Mark Twain left a deep imprint in the hearts of readers with their works.

In Russian literature, the works of Nikolai Gogol, Mikhail Saltikov-Shchedrin, Mikhail Zoshchenko further flourished the genre of satire. In Uzbek literature, the first examples of satire appeared in folklore, and later flourished in written literature. In the genre of satire, our ancestors Alisher Navoi, Turdi, Makhmur, Gulkhani, Haziq, Muqimi, Zavkiy created. Hamza Hakimzoda Niyazi, Abdulla Kodiri, Ghazi Yunus, Sofizoda, Gafrur Gulam, Abdulla Kahhor, Said Ahmad, Nemat Aminov, Sadulla Siyoev also contributed the further development of satire.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулла Қодирӣ, Ғози Юнус, Сўфизода, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Саид Аҳмад, Неъмат Аминов, Садулла Сиёев ва бошқа адиблар ўз асарлари билан сатиранинг кейинги тараққиётига ҳисса қўшдилар.

Мақоланинг мақсади – сатиранинг жанр сифатидаги мақоми, сатирик асарлардаги бадиий талқин тизими, ахлоқий-фалсафий дунёқарашнинг ўзига хос бадиий ифодаси ҳамда ушбу жанрнинг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари, жанр динамикаси ва унинг янги шакллари, янги поэтик ва услубий изланишларни қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик таҳлил қилишдан иборат.

Назарий методлардан қиёсий таҳлил, шу жумладан, қиёсий-тарихий ва чоғиштирма методларидан фойдаланилди.

Натижада сатира жанрининг генезиси, сатира жанрининг тарихий, назарий-поэтик асослари ва шаклланиш босқичлари кўрсатиб берилди ва асосланди. Сатиранинг энг кўп тарқалган турлари таҳлил қилинди.

Калит сўзлар: сатира, Квинт Ғораций Флакк услубидаги сатира, Децим Юний Ювенал услубидаги сатира, Менипп Гадарский услубидаги сатира, сатирик асарлар.

КИРИШ

Бугун қиёсий адабиётшунослик фани ривожланиб бормоқда. Америка олимлари В.Фредерик (компаративистларнинг халқаро, Америка ассоциацияси Президенти) ва Рене Уэллек бошлаб берган аънаналар давом эттирилиб, дунёнинг турли жойларида компаративистика илмий марказлари, мактаблари ташкил этилмоқда. Москва компаративистика мактаби, Британия ва Америка қиёсий адабиётшунослик ассоциациялари шулар жумласидандир [Гулноз Халлиева, 2020; 15]. Дунё адабиёти дурдоналари ва миллий адабиётнинг гўзал намуналари ўзаро қиёсланиб, адабий жараён ёки адабиёт тарихида мавжуд адабий ҳодисаларининг фарқли ва ўхшаш қирраларини тадқиқ қилиш, уларни илмий асосда қиёслаш жаҳон адабиётшунослигининг муҳим ва доимий масалаларидандир. Сатирик асарлар ҳам том маънода халқнинг маданияти, яшаш тарзи, жамиятдаги ва инсонлардаги камчилик, нуқсонларни кўрсатиш орқали уларни тарбиялайди. Шу маънода мазкур жанр нафақат жамият кўзгуси, балки илмий-маданий огоҳлик воситаси бўлиб хизмат қилади. Айни пайтда, адабиётшунослик соҳасида олиб борилаётган илмий-тадқиқотларни ўзбек адабиётини дунёга танитишга, адабиётлараро коммуникацияга хизмат қилишга йўналтириш ҳам муҳимдир.

The purpose of the article is to analyze the status of satire as a genre, the system of artistic interpretation of satirical works, the specific artistic expression of the moral and philosophical worldview and the stages of formation and development of this genre, its dynamics and its new forms, comparative-historical, comparative-typological analysis.

Theoretical methods were used: comparative analysis, synthesis, comparative induction, deduction, and comparative-historical analysis.

In results the genesis of the satire genre, the historical, theoretical and poetic foundations of the satire genre and the stages of its formation were established. The most common types of satire were analyzed.

Conclusion

1. The folklore roots of satire and the peculiarities of satirical images in oral folklore have been identified.

2. The problem of the genesis of the genre of satire was considered on the basis of world artistic-philosophical, socio-cultural thinking.

3. The problem of the genre of satire is covered in the comparative literary aspect.

4. The peculiarities of the classification and types of the genre of satire were determined.

Key words: satire, Quintus Horace Flakk style satire, Decimus Junian Juvenile style satire, Menippus Gadarsky style satire, satirical works.

Ҳар бир миллат адабиёти дунё бадий тафаккурининг ажралмас қисмини ташкил этади. Жаҳон халқларининг қизиқиши ва ўқиши бадий адабиёт аҳамиятини белгиловчи асосий мезонлардандир. У ёки бу халқнинг жаҳонга танилиши, энг аввало, ўша халқ маданияти, санъати ва адабиётининг қандай миқёсда тарқалиши ва тан олинисига боғлиқдир [Гулноз Халлиева, 2020; 53].

Жаҳон адабиётида сатира жанри дастлаб шеърӣ жанрда кўриниш берган бўлса-да, йиллар давомида ривожланиб, сайқалланиб адабиётнинг барча соҳаларига кириб борди. Сатира жанрини кенг қўллаган машҳур ижодкорларнинг ўзига хос мактаблари мавжуд. Хориж адабиётшунослигида ушбу жанрнинг шаклланиши ва тараққиёти юзасидан кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилаган. Хусусан, сатирага жанр нуқтаи назаридан муносабат, унинг пайдо бўлиш жараёни, такомиллашуви, муайян асарлар таҳлили, сатиранависнинг бадий маҳорати ва мазкур жанр тараққиётининг турли босқичларига оид жиддий фикр-мулоҳазалар билдирилган.

Ҳар бир атама келиб чиқиши ва тарихий ривожланиш йўлига эга. Ўз тарихий илдизига эга бўлган “сатира” атамаси ҳақида фикр юритилганда, сатира қандай қилиб санъат даражасигача етиб келди ва сатира адабиётнинг бошқа турларидан нимаси билан фарқ қилади, деган саволлар пайдо бўлади. Буни ойдинлаштириш учун сатиранинг келиб чиқиш тарихига назар соламиз.

Сатира дастлаб лирик жанрдаги асарларда қўлланилган. Кейинчалик у жанрий хусусиятини йўқотиб, масал, эпиграмма, бурлеска, памфлет, фелйетон, комедия ва сатирик романларда муайян масалаларни ёритишда қўлланила бошлаган. Тарихан, сиёсат соҳасида ва сиёсатчиларни фош қилишда бундай йўл тутиш, айниқса, муваффақиятли чиққан. Сиёсий сатиранинг пайдо бўлишида Қадимги Рим адабиётининг ҳиссаси катта. Сиёсий сатира турли ҳажмдаги ва турли мазмундаги шеърӣ ва лирик асарларни қамраб олади. Улар орқали танқид объекти бўлган турли даража мавқедаги шахслар, гуруҳлар, ҳодисалар тасвирланган. Сатира мавзунинг қизиқарли бўлиши ёки китобхонни жалб этиш мақсадида ёзилмаган, балки бунда муаллифнинг бирор кишини ёки аҳоли ҳолатини кулги остига олишдан мақсади – уларни ўз йўллариини ўзгартиришга ундашдир. Уларга маънан таъсир кўрсатиб, танлаган йўллари нотўғри эканини кўрсатиб, кулги воситасида тарбиялашдир.

Сатирада истехзо тез-тез ишлатилади, айниқса, ёзувчи ўз мавзусининг мақсад қилиб олинган жиҳатларини таъкидлашга ҳаракат қилиб, истехзодан фойдаланади. Сатиранинг асосий мақсади – томошабинни кулдириш эмас, балки асарда кўтарилган долзарб мавзу юзасидан ўқувчини чуқур ўйга толдиришдир.

Сатирик адиблар муаммоларни фош қилиш, жамиятнинг айрим унсурларини танқид қилиш учун ҳазил-мутойиба ишлатадилар, чунки улар жамоатчилик фикрини ўзгартиришга ёки масхара қилинаётганларнинг ўзларини ўзгартиришга рағбат топишларига умид қиладилар. Ҳақиқий сатирик асарлар ўқувчи қалбини забт этиб, унинг дунёқараши ва маънавиятини ўстиради.

Дунё халқлари кўнглидан ўрин олган дурдона асарлар – “Минг бир кеча”,

„Панчатантра”, форсий халқлар қиссалари, Насриддин афанди ҳақидаги ўзбек ва турк латиғалари замирида сатирик анъаналар мавжуд. Сатирик анъаналар халқ оғзаки ижодида ривожланиб, кейинроқ ёзма адабиётларда ҳам ўз аксини топа бошлади.

Сатира санъатининг энг гуллаб яшнаган даври XVII–XVIII асрларга тўғри келади. Айнан шу даврда Европада маърифатчилик оқими вужудга келиб, кейинчалик бутун дунёга ёйилди.

Маърифатчилик даври адабиётининг асосий жанри романнинг пайдо бўлиши билан сатирик романларга замин яралди. Роман жанри эркин жанр бўлганлиги боис қатъий талабларга бўйсунмас, унда макон ва замон чегараланмаган, асосий объекти – одамлар ва реал воқелик эди. Роман жанрининг инглиз адабиётидаги муваффақиятини “Робинзон Крузо” романи замиридаги сатирик анъаналарда кўришимиз мумкин. Сатира кенг тушунча, у нафақат адабий санъат, балки фалсафа, сиёсат ва социологияга тааллуқли тушунча ҳамдир.

Ушбу тадқиқотимизда кўп эътибор қаратилган ёзувчилар – Ивлин Во ва Абдулла Қаҳҳор ўз даври ва ўзлари яшаган маконларнинг етук сатирикларидир. Улар деярли бир даврда ижод қилишди, ноёб дурдоналар яратишди. Ивлин Вонинг сатирик маҳорати “Бир сиқим тупроқ” (“A Handful of Dust”), “Севги таназзули” (“Love in the Slump”), “Ошиб кетган сабр” (“Too Much Tolerance”), “Диккенсни ёқтирган одам” (“The Man Who Liked Dickens”), “Тубанликдан ташқарида” (“Out of Depth”), “Белла Флиз базми” (“Bella Fleace Gave a Party”) асарларида янада кўзга ташланади. Антон Павлович Чехов ҳикояларидан илҳомланган Абдулла Қаҳҳор “Бошсиз одам”, “Кўр кўзнинг очилиши”, “Майиз емаган хотин”, “Башорат”, “Қайғулар”, “Жонфиғон”, “Адабиёт муаллими”, “Анор”, “Бемор”, “Хотинлар”, “Тўйда аза”, “Минг бир жон”, “Ифвогар”, “Думли одамлар” номли сатирик руҳдаги асарлар яратиб, ўқувчини долзарб мавзулар атрофига жамлади ва ўйлашга мажбур қилди. Ҳар икки адиб ижодида сатирадаги маънавий таъсир кучининг ўткирлиги яққол кўринади. Ўтган давр мобайнида мазкур адибларнинг асарлари ва ижоди муайян даражада ўрганилган бўлса-да, лекин уларнинг миллий ва умумбашарий омиллари, ахлоқий-фалсафий, маърифий-дидактик ҳамда бадиий хусусиятлари илмий-назарий жиҳатдан қиёсий тадқиқ қилинмаган.

НАТИЖА ВА МУЛОҲАЗАЛАР

Адабиётшунос Тўхта Бобоевнинг илмий хулосаларига кўра, адабиётшуносликда сатира ва юмор (ҳажвиёт) ҳамда бадиий публицистикани коришиқ ҳодиса сифатида ҳам ўрганиш мумкин. Чунки ҳажвиёт ҳам, бадиий публицистика ҳам ҳаётни акс эттириш, образ яратиш, композиция ва услубда қатор ўзига хос хусусиятлар билан характерланади. Масалан, сатира ва юмор воқеликдаги салбий жиҳат ва ҳодисаларни кулги уйғотадиган қилиб акс эттиради [Тўхта Бобоев, 2002; 460].

Яна бир ўзбек адабиётшуноси Эркин Худойбердиевнинг фикрича, “Сатира пафосдир, у пафоснинг комизм турига киради, илгари Шарқда ҳажвия деб

аталган ва юморни ҳам ўз ичига олган. Сатира ва юморнинг ажралиши демократик адабиётда ҳам содир бўлди ва шундан бошлаб сатира ҳам, юмор ҳам алоҳида жанрларга айланди, лекин улар бир-биридан наф олади. Аммо сатира йўқотишни, юмор тузатишни назарда тутди” [Худойбердиев Э., 2003; 476].

Тилшунос С. Парк илмий хулосаларига кўра, маънога бой сатирик нутқ, бу – мавжуд қонидани масхара қиладиган ва ҳукмрон гегемонликни таназзулга соладиган нутқдир. Зулмнинг кимгалигини яширин акс эттирганда ва жамоат диққат марказида очиб берганда, сатирик нутқ муваффақиятли бўлади. Сатира кулишни бошлайди, қаршилиқни кучайтиради ва одамларни ҳукмрон нутқнинг мафкуравий тазйиқларидан озод қилади” [www.scopus.com. Park, S. (2016) Carnivalism and Engaging Journalism in the Current-Affairs Podcasts in South Korea. *Advances in Journalism and Communication*, 4, 75-88. doi: 10.4236/ajc.2016.43008].

Адабий атамалар ва адабий назарияларнинг „Пингвин” луғатида сатирага қуйидагича таъриф берилган: “Сатира (лотинча *satira*, кейинчалик *satura* шаклида). Бу атама келиб чиқиш тарихига кўра пиширишга доир атама бўлиши ҳам мумкин. Қадимги Рим шоири Ювенал уни “*ollapodrida*”, “*mish-mash*”, “*farrago*” деб атаган. Римлик машхур нотик (воиз) Квинтилиан (мил. ав. 35-100 й.й.лари яшаган) бу атамани Луцилийнинг турли мавзулардаги ҳекзаметрда ёзилган шеърига нисбатан қўллайди. Кейинчалик атама маъноси кенгайиб, сатирик оҳангдаги асарларни ўз ичига олади, аммо улар шаклан бир-бирига ўхшамайди. Баъзи ҳолларда грекча “*satyros*” ва “*satura*” сўзлари орасида чалкашлик бўлиб, *satyra* шаклидаги сўзга бориб тақалади. Бу сўз инглиз тилида *satyre* деб ёзилади. Элизабет даври ёзувчилари сатира атамаси грекча *satyr* сўзидан келиб чиққан деб ҳисоблашган. Бу вазиятга 1605 йили француз Гугунот олими Исаак Казабон аниқлик киритган” [Cuddon J.A., 1999; 780].

Демак, сатира атамаси биринчи бўлиб Квинтилиан томонидан шеър турига нисбатан қўлланилган.

Инглиз ёзувчиси Жонатан Свифт фикрига кўра, сатира шундай турдаги кадаҳки, гувоҳлар унда ҳар кимнинг, ҳаттоки, ўзларининг юзларини кашф этадилар. Улар энг муҳим сабаб туфайли дунё минбарида кўришадилар ва жуда кам қисми хафа бўлиши мумкин.

Инглиз сатириги Ивлин Во қарашларига кўра, “Сатира, бу – давр масаласидир. Сатира барқарор жамиятда гуллаб яшнайти ва тахмин қилинишича, дастлаб Рим империясида пайдо бўлган. Ушбу жанр номувофиклик ва иккиюзламачиликка қаратилган” [www.scopus.com Jane Elizabeth Neff, 1972, Character development in the novels of Evelyn Waugh. 3L: Language, Linguistics, Literature, 5, 146-154].

Сатира, бу – ўзига хос комик асар; комедиянинг, айникса, ўткир ва комик шакли бўлиб, у истехзо қилинадиган ҳодиса ёки характернинг моҳиятини инкор этувчи юқори эстетик ва ахлоқий идеалларга зид равишда бошқасини солиштириш орқали намоён бўлади. Сатирик асарлардаги ғоялар, аксинча, аксил идеалнинг фош қилиниши орқали тасдиқланади. Н.Г. Чернишевскийнинг сўзларига кўра, сатира нафақат томошабинларни кулдиради, балки уни лар-

зага солади, нафақат кулги, балки ғазаб ва нафратни ҳам уйғотади. Сатира ҳатто кулгисиз бўлиши ҳам мумкин, аммо ақл-идроксиз эмас [<https://flamenco.ru/>].

Америкалик ёзувчи Питер де Фриз метафоралардан фойдаланган ҳолда сатира ва ҳазил ўртасидаги фарқни шундай тушунтиради: “Сатирачи ўлдиради, ҳазил қилувчи ўлжасини тириклай қайтаради – уни яна бир имконият учун яна кўйиб юборади” [<https://uz.eferrit.com/>].

“Адабий атамаларнинг қисқартирилган Оксфорд луғати”га кўра: “Сатира, бу – шахслар, муассасаларнинг ёки жамиятларнинг хато ва нуқсонларини масҳара қилиб, фош қилувчи ёзув услубидир. Сатира, кўпинча, бадиий асарлардаги тасодикий элемент бўлиб, у умуман сатирик бўлмаслиги мумкин, айниқса комедияда, худди Гораций сатираларида бўлгани каби, аччиқ ғазаб акс эттирилган Жувенал назми ва Жонатан Свифт насри каби унинг оҳанги барқарор, ўйин-кулгидан фарқ қилиши мумкин” [Baldick Ch., 2001; 228].

Ушбу луғатда Бен Жонсон, Мольер, Чосер, Байрон, Рабелайз, Волтер ҳақида сўз боради, инглиз драматурги Бен Жонсоннинг сахна асарларидан тортиб, француз комедиянависи Мольер ва инглиз шоири Чосер ёки инглиз романтизм даврининг етакчи шоири Байрон шеърлари ҳам, француз ёзувчиси Рабелайз ва маърифатпарварлик даври намояндаси Волтер асарлари ҳам тилга олинади ва турли жанр ва шакллардаги асарлар ҳам сатирик мавзуда бўлиши мумкинлиги асосланади.

Рим сатиралари, айниқса Гораций ва Ювенал асарларидан илҳомланган янги классик шоирлар сатира жанрининг энг юксалган даврида – XVII ва XVIII асрларда ижод қилиб, ўз асарларида ахлоқсизлик ва ахлоқликни қоралаб, оддий инсоний хулқ-атворни юксакликка кўтариб, мурожаатни умумий маънога кўчирдилар.

Ушбу классик анъанада “расмий” ёки “тўғридан-тўғри” сатира муҳим аҳамиятга эга ва бунда ёзувчи китобхонга (ёки шеърый мактуб олувчига) сатирик изоҳ билан мурожаат қилади. Одатда, пиеса ва романларда учрайдиган “билвосита” сатиранинг алтернатив шакли, қаҳрамонларнинг ҳаракатларидан, масалан, инглиз сатириги Ивлин Во ёки Чинуа Ачебе романлари орқали хулосалар чиқаришга имкон беради [Baldick Ch., 2001; 228].

Ҳар доим сатира гуманизм, маърифат ва гўзаллик ғояларига хизмат қилган, сатирик асарлар муаллифлари ҳақиқатнинг сирли томонларини турли хил ҳазил-мутойибалар билан очиб бериб, ахлоқ, маънавият, маърифат ва интеллектуал ривожланиш фазилатларига даъват этган. Сатиранинг таърифини биринчи бўлиб римликлар устози Квинтилиан берган. Шуниси ажабланарлики, сатира воқеликнинг ноаниқ томонлари карикатурада тасвирланадиган алоҳида санъат тури сифатида белгиланади. Адабиётда сатиранинг мустаҳкамлиги сатиранавис адибнинг жамиятдаги мавқеи қанчалик муҳимлигига, у ишлатган сатира воситаларига ва услубидаги жасоратига боғлиқ [<https://polipharm.ru/>].

Инглиз олими М.Х. Абрамс “Адабий атамалар луғати”да сатирага шундай таъриф берган: “Сатира, бу – масҳара қилиш, нафрат ва ғазабга бўлган муносабатни уйғотиш орқали мавзудаги кескинликни пасайтирадиган ёки камайтира-

диган адабий санъат, деб таърифланиши мумкин. Комедиядан фарқи шуки, комедияда кулги уйғонади, аммо сатирада масхара қилинади; яъни кулги асардан ташқарида бўлган – танкид остидаги шахс ёки ҳолатга қарши қурол сифатида ишлатилади” [Abrams M.H., 1999; 275].

Раутледжнинг адабий атамалар луғатида эса „Сатира ўз ички шаклига кўра даставвал жанр сифатида аниқланган, аммо у фақатгина жанр эмас. Унда муаллиф фантастик ва абсурд бўлган ҳажв воситаларини моҳирона қўллаб бирор объектга ҳужум қилади ва кулги уйғотади. Сатира, бу – айбни фош этиш эмас, балки ғайритабiiий юмор. Сатирани комедиядан фарқлаб турадиган нарса шуки, у аклсизлик ёки инсоният нуқсонларига чидаб туролмайди” [Петер Чилдс, Ро-жер Фаулер, 2006; 211].

САТИРА ВА УНИНГ ЭНГ КЎП ТАРҚАЛГАН ТУРЛАРИ

Сатиранинг энг кенг тарқалган уч тури мавжуд ва уларнинг ҳар бири ўз хусусиятларига эга, ҳатто кўполлик даражасида улар бир-биридан фарқ қилади. Баъзилар шунчаки, бирор-бир нуқсонсиз кулгини уйғотишга интилишса, бошқалари ўзларининг мавзуларини тўхтатилиши керак бўлган ёвузлик деб би-лишади [Edgar Johnson., 1945; 378].

Энг кўп тарқалган сатира турлари эса қуйидагилардан иборатдир:

- Гораций услубидаги сатира;
- Ювенал услубидаги сатира;
- Мениппус услубидаги сатира;

1. Сатиралар ичида рим сатириги Гораций номи билан аталган сатира тури ўз мавзусига нисбатан жуда юмшоқ ва хушмуомалалик билан ёндашади.

Гораций йўлини тутган сатирачилар юмшоқ кўнгил ва кўпинча, ўзини пастга тортадиган ижодкорлар; улар масалаларни ҳазил орқали кўпроқ издош-лар сифатида ҳал қиладилар.

Бундай сатира камдан-кам ҳолларда шахсий ҳужумларни ўз ичига олади, аксинча ахлоқни тарғиб қилиш ва сабоқ беришга қаратилган.

Гораций услубидаги сатираларга қуйидаги асарлар мисол бўла олади:

- 1) Жонатан Свифтнинг “Тулливернинг саёҳатлари” (1726) асари;
- 2) Марк Твен “Хуклеббери Финннинг саргузаштлари” (1884) асари.

2. Ювенал услубидаги сатира.

Иккинчи турдаги сатира тури Гораций услубидаги сатиралардаги каби мавзусига нисбатан унча меҳрли эмас. Ювенал сатириклари услубида анъана-вий ҳазил камроқ, балки кучли истехзо устун туради.

Бундай асарда ёзувчининг эътирозлари ва уларни ўзгартиришга бўлган чақирикларини кўришимиз мумкин. Қуйидаги асарлар бунга мисол бўла олади:

- 1) Жорж Оруэлл “Молхона” (1945);
- 2) Жорж Оруэлл “1984” (1949);
- 3) Рей Бредбери “Фарангейт бўйича 451 градус” (1953).

3. Мениппус услубидаги сатира.

Мениппус сатираси муайян шахсларга эмас, балки ақлий муносабат ва

нуқтаи назарга қаратилган.

Ушбу сатира тури Ювенал сатираси каби шафқатсиз бўлмаса ҳам, Менипп йўлидаги сатирачилар кўпинча ирқчилик ёки оддий кибрни зарарли муносабат сифатида нишонга оладилар. Қуйидаги асарларда ушбу усул анъаналари учрайди:

- 1) Люис Керролл “Алиса мўжизалар мамлакатада” (1865);
- 2) Дуглас Адамс “Йўловчи автоуловда коинот бўйлаб саёҳат”;
- 3) Жеймс Жойс “Финнеган хотирлаш” (1939).

САТИРА: УНИНГ ТАБИАТИ ВА УСУЛЛАРИ

Сатирик услуб ҳақида гапиришдан олдин, сатирага берилган баъзи таърифларни кўриб чиқиш муҳим. Сатира ёзадиган ҳар бир адибнинг сатира атамасига ўз муносабати бор ва улар орасида ушбу атамага таъриф берганлар ҳам кўп. Масалан, Эдгар Жонсон сатира ҳақида гапириб, ўз фикрларини шундай хулосалайди: “Ҳамма сатирани тан олади, унинг нима эканлигини эса аслида ҳеч ким билмайди, деб айтсак, муболаға бўлмайди” [David Worchester, 1940; 243].

Демак, сатира муболаға, ғайритабиий воситалари орқали адабиётнинг бошқа турларидан фарқ қилади. Ҳамма воқеа-ҳодисалар муболаға қилинган, ҳатто оддий карикатурада ҳам кўлланган. Сатираларда одамларнинг ҳолати уларнинг хатти-ҳаракатларига, ишларига мос эмас. “Ҳақиқий сатирик ёзувчи асарни ёзишда, биринчидан, ўз идеалини аниқ тасаввур қилиши, иккинчидан, ўз асарида нималарни масҳара қилишни аниқ билиши керак” [Tompson A., 1948; 126].

Адабиётда сатира нима деган саволга, у ҳазил-мутуйибанинг нозик бир чизиғи эканига ишонч билан жавоб бериш мумкин, у моҳиятини очик ва тушунарли шаклда ифодалайдиган, ижтимоий хатарларни очиб берадиган жанрдир. Сатира ҳаётнинг энг аччиқ дамларида ҳам умид бахш этади ва руҳни кўтаради, чунки бу дунёнинг таниш манзарасини фожиали воқеалардан ақл бовар қилмас илҳомлантирувчи ҳазилга айлантиришга ёрдам беради [<https://polipharm.ru/>].

Бундан ташқари, сатира иккита сатҳга эга, яъни: расмий ва норасмий. Расмий сатираларда ҳаётда юз бериши мумкин бўлган хатолар ҳазил сифатида намоиш этилади. Норасмий сатиралардан фарқли ўларок, бу камчиликлар қаттиқ кулги остига олиб тасвирланади, муаллиф мутлақо мазах қилиш йўлига ўтади ва нафақат уларни тўхтатишни, балки бундай нарсалардан халос бўлишни хоҳлайди. Шунинг учун муболаға, истехзо, пародия, таққослаш сатирик асарларда кенг қўлланилади. Буни Сервантес, Бокаччо, Свифт, Шчедрин, Гогол, Махмур, Муқимий ижодида кузатиш мумкин.

Агар муаллиф бирор нарсани бўрттириб кўрсатса, буни гипербола деб аташ мумкин. Ирония (заҳархандалик) эса, мутлақо бошқа нарса, у эътиборни қаратиш учун талаб қилинадиган, тушунарли тилда ифодаланиладиган тўғри баёнот ёки воқеа контекстида бузилиб кетадиган мантиқий бўлмаган ҳазил-мутуйиба. Истехзо турли кўринишларда сўз санъатининг ҳар қандай турида учрайди. Демак, истехзо, бу – сатирик ёзувчи учун энг муҳим восита. У ҳар қандай жанрда ишлатилиши мумкин. “Пародия, бу – адабий асар ёки асар услубига истехзо билан тақлид қилиш, муаллифнинг ёки мактабнинг стилистик

одатларини митти мимика ёрдамида масхара қилиш. Пародия кулгили мавзуларга жиддий услубларни қўллашда, эксцентризмни жазолашда кулгили услуб билан боғлиқ” [Abrams M.H., 1999; 185].

Шундай қилиб, муаллиф бошқа ёзувчига ёки мактабга тақлид қилади ва бу тақлид пародия деб аталади.

“Ҳажвий тасвир, бу – бирор-бир жиддий адабий асарнинг тантанали мавзусига аҳамият берилмаган услуб билан қараш ёки баландпарвоз услубни аҳамиятсиз мавзуга қаратиш орқали масхара қиладиган бир пародия” [Abrams M.H., 1999; 31].

Булар – сатиранинг асосий хусусиятлари. Сатира жамиятда катта аҳамиятга эга, шу сабабли ҳам у қадимги даврлардан ҳозирги кунгача етиб келди ва ривожланиб бормоқда. Инсоният эволюцияси даврида турли жанрлар ва сатира шакллари пайдо бўлди. Шунинг учун шеър, қисса, ҳикоя, эртак, роман, бошқача айтганда, барча адабий асарлар сатирик бўлиши мумкин.

XX асрда сатира дунё адабиётида янги тараққиётни бошлади. Аслида, сатира таърифлари универсал эмас. Ивлин Вонинг фикрига кўра “Сатира – давр масаласидир. У барқарор жамиятда гуллаб-яшнади ва бир хил ахлоқий меъёрларни, номувофиқлик ва иккиюзламачиликни фош қилишга қаратилган. У мулойим шафқатсизлик ва аҳмоқликни бўрттириб кўрсатиб беради...”.

Америкалик танқидчи Девид Воркестер ўзининг “Сатира санъати” китобида сатиранинг асосий бўлими сифатида инвектив, ҳажвий тасвир ва истехзони кўрсатиб ўтади ва ҳажвий тасвирга шундай таъриф беради: “Ҳазилнинг моҳияти номувофиқликда ва унга тақлид қўшилса, ҳажвий тасвир натижаси келиб чиқади. Ҳажвий тасвир, бу – жиддий масала ёки услубни ишлатиш ёки тақлид қилишда, услуб ва мавзу ўртасида номувофиқлик келтириб чиқарадиган воситадир” [Tompson A., 1948; 126].

Профессор Томпсон ўзининг “Қуруқ истехзо” китобида истехзога қуйидагича таъриф беради: “Нутқдаги истехзоси ёки оғзаки истехзо – бу истехзодир, унда айтилганларнинг мазмуни унинг том маънодаги маъносига жуда зиддир”. Унинг таъкидлашича, феъл-атворнинг истехзоси ёки одатдагидек, услубнинг истехзоси бу “инсоннинг ҳақиқий феъл-атвори унинг ташқи қиёфаси ёки услубига нисбатан жуда кулгили қарама-қаршиликда намоён бўлади” [Abrams M.H., 1999; 5].

Томпсон драматик киноя – ҳақиқий ҳаётдаги имконият ёки тақдир, бадий адабиёт муаллифи натижани кутилган натижага зид қўйиш орқали комик эффект билан баён этади, деб таъкидлайди ва драматик истехзо ҳақида гапириб: “Драматик истехзо, фожиали истехзодир, ва албатта Софокл киноясини бир-бирини алмаштирувчи атамалар сифатида кўриб чиқиш яхшидир” – дейди [Tompson A., 1948; 118].

Бошқача қилиб айтганда, Томпсон Софокл ғазабини “тингловчиларнинг кўзини қамаштирадиган оғзаки қурилма” билан чеклайди ва шу билан суҳбатдошнинг вазиятидаги номувофиқликка қатъий эътиборни талаб қилади...” [Abrams M.H., 1999; 29].

Томпсон шунингдек драматик истеҳзо комик кинояни ўз ичига олиши мумкинлигини айтиб, фожиали истеҳзо билан драматик истеҳзони ажратиб кўрсатади. Драматик истеҳзони “саҳнада кўрган воқеалар истеҳзоси учун берилган вақт” деб таърифлайди [Abrams M.H., 1999; 29].

Род-Айленд университети профессори Меган Лебоуфнинг сўзларига кўра, "Сатира, бу – инсоннинг айрим хатти-ҳаракатларидаги камчиликларни ва улар оқибатида келиб чиқадиган ижтимоий муаммоларни бемаъни қилиб кўрсатишга қодир кучли санъат тури. У ҳатто завқли, шу боис кўнгилочар ҳамда кенг аудиторияни қамраб оладиган асар. Шунингдек, сатира ўз яратувчисини танқид қилишнинг айби билан ҳимоя қилиш қобилятига эга, чунки у ҳаддан ташқари бўрттириб ифодаламайди, балки назарда тутилган; шу тарзда, у қийин ёки зўравон сиёсий ва ижтимоий даврларда ўзгача фикрловчилар учун кучли воситага айланади" [Megan LeBouef., 2007; 63].

Адабиётшунос олимлар Анна Риана Суриянти Тамбуния, Винда Путри, Морада Тети, Рита Хартати илмий изланишларига кўра, сатира тили ҳам шавқатсиз, ҳам юмшоқ бўлиб, жамиятнинг ёки беморнинг қизиқишларига зарар етказиши. Сатирада шахслар, гуруҳ, муассаса, ғоя, жамоатдаги иллатлар ёки бемаъни нарсалар фош этилади [Анна Риана Суриянти Тамбуния, Винда Путри, Морада Тети, Рита Хартати “Болалар учун ҳикоялар китобида лексик ва контекстли маъно: услубий ёндашув [www.scopus.com.Халқаро илмий ва технология тадқиқотлари журнали, 9-жилд, 04-сон, 04-апрел, ISSN 2277-8616 3479].

Доимий равишда, сатира инсоннинг ўзига хос ҳаракатларини танқид қилиш учун ишлатиладиган жуда кучли бадиий шаклдир. Сатира хусусиятлари турли одамлар томонидан ҳар хил аниқланган. Сатира ҳақидаги бир қанча танқидий китобларнинг муаллифи, профессор М.Д. Флетчер буни “тарихий воқеликнинг баъзи жиҳатлари масҳара қилинадиган оғзаки тажовуз” деб атайди [Fletcher M.D., 1987; 230]. Аммо бу таъриф жуда кенг ва катта тортишувларга сабаб бўлган. Маями университети профессори Франк Палмери “сатирик қиссалар билвосита байрамона шаклларни пародик равишда ўзгартириб, ўрнатилган нутқлар ва догматик талқинлар орқали ишлайди” деб таъкидлайди. Бу таъриф торроқ ва у кўпгина сатирик асарларни рад этади, аммо сатира нима эканлигини бу таъриф орқали аниқлаш мушкул.

Меган Лебоуф ўз мақоласида сатира таснифлаб, шундай дейди: “Сатира адабий, бадиий, оғзаки ёки бошқа тарзда тақдим этиладими ёки йўқми, у куйидаги хусусиятларга эга бўлган асар сифатида белгиланади:

Танқид. Сатира ҳар доим инсоний хулқ-атворнинг ҳар қандай шаклини танқид қилади ёки аксинча, томошабинларни уни бепарволик билан кўриб чиқишга кўндириш ва шу билан бир даражадаги ижтимоий ўзгаришларни рағбатлантириш мақсадида ёзилади.

Истеҳзо. Танқид қилинадиган хулқ-атвор билан боғлиқ муаммоларни кўрсатиш учун сатира истеҳзодан, кўпинча кулгили тарзда фойдаланади.

Имкониятсизлик. Сатира, бу – очиқ-ойдин баён эмас ва у аниқ ҳукмга олиб келмайди, аксинча, танқид қилинган хатти-ҳаракатлар сатирик асар ичида ўзини

бемаънилик билан акс эттиради, аксарият ҳолларда у бўрттирилган ёки одатий ҳолатдан чиқиб кетади.

Таъкидланишича, сатира ўз тарихи давомида танқид воситаси сифатида жуда кўп ишлатилган. Аристофаннинг “Ахарнянликлар” сатирасининг энг қадимги жонли намунасини таҳлил қилиш, Ивлин Вонинг “Байроқларни кўркмай ҳилпиратаверинг” асари билан таққослаганда, сатира моҳияти асрлар давомида ўзгармас бўлиб кўринса-да, вақт ўтиши билан жанр аста-секин ўзгарганини кузатиш мумкин. “Ахарнянликлар” Аристофаннинг дастлабки пьесаси бўлиб, биринчи марта милоддан аввалги 425 йилда Ленияда қўйилган. Бу тарих давомида кўп маротаба ўйналган пьесадири [Aristophanes. Trans. Douglass Parkers, 1969; 387].

Аристофан тинчликнинг фойдаси ҳақидаги фикрларини асарининг бош қаҳрамони Дикиополиснинг ҳаракатлари ёрдамида тасвирлайди. У тинчликни талаб қилади, ҳатто форумда гапиришга ҳаракат қилади, шу орада Миллий гвардия генерали Ламачос Дикиополисни сотқин деб атайти. Шундай қилиб, Дикиополис тинчликка эришишга ҳаракат қилмоқда, аммо унга форумда гапиришга рухсат берилмайди, чунки уруш Афина аҳолиси томонидан кўриб чиқилади. Шуни таъкидлаш керакки, ўша пайтда риторика жуда катта аҳамиятга эга эди. Таъсирчан нутқни тинглаб, одамлар ораторга эргашадилар. Шундай қилиб, уруш ва тинчликнинг оқибатлари спектакл давомида бирма-бир намойиш этилади. Муаллиф бу икки ҳодисани таъсирли қилиб ифодалайди. Аристофан Дикиополиснинг ўз байрамига тайёргарлик кўраётганини, Ламанчос эса урушга отланаётгани билан воқеаларни тасвирлаб, ушбу икки қаҳрамоннинг вазиятини бир-бирига қарама-қарши қўяди. Асарда сатирик услублардан маҳорат билан фойдаланилган.

Дарҳақиқат, дунё халқлари кўнглидан ўрин олган Шарқ дурдонаси – “Минг бир кеча”, санскрит тилидаги “Панчатантра”, форсий халқлар қиссалари, Насриддин афанди ҳақидаги ўзбек ва турк латифалари замирида сатирик анъаналар мавжуд. Сатирик анъаналар халқ оғзаки ижодида ривожланиб, ёзма адабиётларда ҳам ўз аксини топа бошлади. Сатира санъатининг энг гуллаб яшнаган даври XVII–XVIII асрларга тўғри келади. Айнан шу даврда Европада маърифатчилик оқими вужудга келиб, кейинчалик бутун дунёга ёйилди.

Маърифатчилик даври адабиётининг асосий жанри романнинг пайдо бўлиши сатирик романлар ёзилишига замин бўлди. Роман жанри эркин жанр бўлиб, қатъий талабларга бўйсунмас, макон ва замон чегараланмаган бўлиб, асосий объекти одамлар ва реал воқелик эди. Роман жанри Англия адабиётида улкан муваффақият қозонди. Жонатан Свифтнинг “Гулливернинг саёҳатлари” ва Даниэл Дефонинг “Робинзон Крузо” романлари замирида сатирик анъаналарни кўришимиз мумкин.

Асарлардаги сатира анъаналарини англаш мушкул. Сатира кенг тушунча, у нафақат адабий санъат, балки фалсафа, сиёсат ва социология тушунчасидир.

САТИРАГА БЕРИЛГАН ТАЪРИФЛАР

Куйида сатирага берилган турлича таърифларини келтирамиз.

№	Асли	Таржимаси
	Satire is traditionally the weapon of the powerless against the powerful. Molly Ivins	Сатира – кучсизларнинг кучлиларга қарши анъанавий қуроли. Молли Ивинс
	Satire is moral outrage transformed into comic art. Philip Roth	Сатира – руҳоний ғзабнинг кулги санъатига кўчишидир. Филип Роз
	Satire is a lesson, parody is a game. Vladimir Nabokov	Сатира – дарс, тақлид – ўйиндир. Владимир Набоков
	Satire must always accompany any free society. It is an absolute necessity. Even in the most repressive medieval kingdoms, they understood the need for the court jester, the one soul allowed to tell the truth through laughter. Joe Randazzo	Сатира ҳар доим ҳар қандай эркин жамият билан бирга бўлиши керак. Бу мутлақо заруратдир. Ўрта асрлардаги энг репрессив кироликларда ҳам улар суд масхарабозлиги зарурлигини тушунишган, битта одамга кулги орқали ҳақиқатни гапиришга имкон берилган. Жоэ Рандаззо
	Good satire comes from anger. It comes from a sense of injustice, that there are wrongs in the world that need to be fixed. And what better place to get that well of venom and outrage boiling than a newsroom, because you are on the front lines. Carl Hiaasen	Яхши сатира ғзабдан келиб чиқади. Уни адолатсизлик туйғуси вужудга келтиради. Дунёда тузатилиши зарур бўлган хатолар бор. Ушбу қаҳр ва ғзабни чиқариш учун янгиликлар бўлимидан кўра яхшироқ жой бўлмаса керак, сиз эса олдинги қаторларда турибсиз. Карл Ҳиасен
	Puns, irony and satire are better than direct fire. Major Mystique	Тажнис (омонимларни ишлатиш санъати), истехзо ва сатира тўғридан-тўғри оловдан яхшироқдир. Мажор Мистик

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, сатира қадимги Римда пайдо бўлиб, санъат даражасига кўтарилган. Сатира дастлаввал ҳажвия, юмор сингари комик турга мансуб бўлган. Кейинчалик сатира ҳам, юмор ҳам ривожланиб алоҳида-алоҳида жанрга айланди. Сатирик ёзувчилар турли жанр ва шакллардаги асарлари орқали истехзо ва кулгу воситалари ёрдамида ўқувчига мурожаат қилишган. Сатирик асарлар бировнинг ёки жамиятнинг устидан кулишни эмас, балки одамларнинг камчиликларини, ижтимоий иллатларни намойиш этиш учун ёзилган. Муайян воқеа, ҳодиса ёки одамни масхаралаш орқали халққа ҳақиқатни етказиб берган. Сатирик асарлардан биз ўзимиз учун кўп маълумотлар олишимиз мумкин.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ўзбек сатираси илдизлари ҳам узоқ тарихга эга. Воқеликни акс эттиришнинг алоҳида ғоявий-бадиий принципи бўлган сатира барча цивилизациялашган халқлар адабиёти, шу жумладан, ўзбек халқининг ҳам оғзаки ва ёзма адабиётида азал-азалдан муҳим ўринда бўлган. Миллий адабиётимизда сатира ва юморнинг илк намуналари дастлаб халқ оғзаки ижодида пайдо бўлиб, кейинчалик тараккий этиб, юксалиб ёзма адабиётга ҳам кириб кел-

ган. Шундай қилиб, сатира халқ оғзаки ижодидан бошланиб улуғ бобокалонларимиз Алишер Навоий, Турди Фароғий, Махмур, Муҳаммад Шариф Гулханий, Жунайдулло ибн Ислошайх Ҳозик, Муҳаммад Аминхўжа Муқимий ва Убайдулла Салих ўғли Завкий каби шоирлар ижодида гуллаб яшнади. Миллий адабиётимиз етук вакиллари – Муҳаммад Аминхўжа Муқимийнинг “Танобчилар”, “Воқеаи кўр Ашурбой ҳожи”, “Московчи бой”, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг “Майсаранинг иши”, Ғафур Ғуломнинг “Тирилган мурда”, “Шум бола”, Абдулла Қаҳҳорнинг “Майиз емаган хотин”, “Адабиёт муаллими”, Эркин Воҳидовнинг “Олтин девор”, Худойберди Тўхтабоевнинг “Сарик девнинг ўлими” каби ўлмас асарлари таъсир кучининг ўлмаслиги бир жиҳатдан улардан ҳаёт ҳақиқатини ифодалашда сатирик усулнинг қўлланилишида, деб айтиш мумкин.

Бадий адабиётимизнинг ўзига хос энг ўткир, ҳозиржавоб ва таъсирчан тури бўлган сатирик асарлар жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётида ҳар доим муҳим ўрин эгаллаб келган. Ҳозирги кунда сатира янада ривожланиб, масал, эпиграмма, бурлеска, памфлет, фельетон, комедияда, кино ва кўрсатувларларда, карикатура расмлари шаклида ижтимоий-сиёсий газеталарда намоён бўлмоқда. Шу ўринда, Абдулла Қаҳҳорнинг сатирани инкор этувчи шахслар ҳақидаги қуйидаги фикрини таъкидлашни жоиз деб билдик: “Сатира ўтига учраган киши, – виждони бўлса, одамларнинг юзига қаролмайди, виждони бўлмаса, оғзидан кўпик сочиб, ёзувчининг кетидан болта кўтариб югуради” [[http://saviya.uz/ijod/adabiyotshunoslik/satira-sehri/-internet sayti](http://saviya.uz/ijod/adabiyotshunoslik/satira-sehri/-internet-sayti)]. Сатирик асардан тўғри хулоса чиқариш лозим. Ҳақиқий сатирик асарларни ўқиб киши завқ олади, яйрайди ва ҳордиқ чиқаради, биз ўйлаймизки, сатирани севмайдиган халқ бўлмаса керак.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Abrams, M.H. (1999). *A Glossary of Literary Terms*. Boston: Cornell University Press. 366 p.
2. Baldick, Ch. (2001). *The Concise Oxford Dictionary of Literary Terms*. Oxford: Oxford University Press. 280 p.
3. Boboyev, T. (2002). *Adabiyotshunoslik asoslari*. Toshkent: O'zbekiston. 460 b.
4. Brendan, G. (1949). *Ice*. New York. 156 p.
5. Cuddon, J.A. (1999). *The Penguin Dictionary of Literary Terms and Literary Theory*. London: Penguin books. 991 p.
6. Evelyn, W. (2001). *Put Out More Flags*. London. 400 p.
7. Fletcher, M.D. (1987). *Contemporary Political Satire: Narrative Strategies in the Post-Modern Context*. Maryland: Lanham. 230 p.
8. Galsworthy, J. (1931). *The Creation of Characters in Literature*. Oxford: Clarendon Press. 345 p.
9. Jane, E.N. (1972). *Ivlin Vo romanlaridagi xarakterlarning rivojlanishi*. 3L: Til, tilshunoslik, adabiyot, 5, 146-154.
10. Johnson, E. (1945). *The Nature and Value of Satire*. New York. 378 p.
11. Joseph, T. (1951). *Satirical Methods in Eight Novels of Evelyn Waugh*. Master's Theses. Loyola University Chicago press. Chicago. 1126 p.
12. Maryland, M.D. (1987). *Contemporary Political Satire: Narrative Strategies in the Post-Modern Context*. Fletcher, Lanham. 230 p.

13. Michael, R., Millan, M. (2007). *Essential dictionary for learners of English*. Oxford. 861 p.
14. Palmeri, F (1990). *Satire in Narrative*. Austin: University of Texas Press.
15. Park, C. (2016). Karnavalizm va Janubiy Koreyadagi dolzarb podkastlarda jurnalistika bilan shug'ullanish. *Jurnalistika va aloqa sohasidagi yutuqlar*, 4, 75-88. <https://doi.org/10.4236/ajc.2016.43008>.
16. Peter, Ch., & Roger, F. (2006). *The Routledge Dictionary of Literary Terms*. New York. 211 p.
17. Podoprighora, S.Ya., & Podoprighora, A.S. (2013). *Falsafiy lug'at*, 382-383.
18. Saltikov, Sh.M. (1952). *Adabiyot va san'at to'g'risida*. Moskva. 345 b.
19. Tambuniya, A.S., Putri, V., Teti, M. Bolalar uchun hikoyalar kitobida leksik va kontekstli ma'no: uslubiy yondashuv. *Xalqaro ilmiy va texnologiya tadqiqotlari jurnali*, 9(04), ISSN 2277-8616 3479.
20. *The Acharnians / Aristophanes*. (1969). Trans. Douglass Parker. Michigan: Ann Arbor University of Michigan Press. 387 p.
21. The Power of Ridicule: An Analysis of Satire Megan LeBouef. (2007). Senior Honors Projects. 63 p.
22. Tompson, A.B., & Angeles, L. (1948). *The Dry Mock*. 278 p.
23. *Wild Pleasing Fables*. Times Literary Supplement. (1949). 824 p.
24. Wilder, A.N. *The Critical Heritage*. Article. <http://books.google.ru>.
25. Wilson, E. (1950). *Classics and commercials*. New York.
26. Worchester, D. (1940). *The Art of Satire*. Cambridge: Mass. 243 p.
27. Xalliyeva, G. (2020). *Qiyosiy adabiyotshunoslik*. Toshkent: Mumtoz so'z. 15 b.
28. Xudoyberdiyev, E.(2003). *Adabiyotshunoslikka kirish*. Toshkent: NSIM. 476 b.
29. http://ecommons.luc.edu/luc_theses/
30. <https://flamenco.ru/>
31. <https://polipharm.ru/>
32. <https://uz.eferrit.com/>
33. [saviya.uz/ijod/adabiyotshunoslik/satira-sehri/-internet sayti](http://saviya.uz/ijod/adabiyotshunoslik/satira-sehri/-internet-sayti)

REFERENCES

1. Abrams, M.H. (1999). *A Glossary of Literary Terms*. Boston: Cornell University Press. 366 p.
2. Anna, R.S.T., Winda, S.S., Citra, A.P., Morada, T., & Rita, H. (2020, April). Lexical and Contextual Meanings in Children Storybook: A Stylistic Approach. *International journal of scientific & technology research*, 9(04), ISSN 2277-8616 3479.
3. Baldick, Ch. (2001). *The Concise Oxford Dictionary of Literary Terms*. Oxford: Oxford University Press. 280 p.
4. Boboyev, T. (2002). *Fundamentals of Literary Criticism*. Tashkent. 460 p.
5. Brendan, G. (1949). *Ice*. New York. 156 p.
6. Cuddon, J.A. (1999). *The Penguin Dictionary of Literary Terms and Literary Theory*. London: Penguin books. 991 p.
7. Evelyn, W. (2001). *Put Out More Flags*. London. 400 p.
8. Fletcher, M.D. (1987). *Contemporary Political Satire: Narrative Strategies in the Post-Modern Context*. Maryland: Lanham. 230 p.
9. Galsworthy, J. (1931). *The Creation of Characters in Literature*. Oxford: Clarendon Press. 345 p.
10. Jane, E.N. (1972). *Character development in the novels of Evelyn Waugh*. 3L: Language, Linguistics, Literature, 5, 146-154.
11. Johnson, E. (1945). *The Nature and Value of Satire*. New York. 378 p.
12. Joseph, T. (1951). *Satirical Methods in Eight Novels of Evelyn Waugh*. Master's Theses.

- Loyola University Chicago press. Chicago. 1126 p.
13. Khalliyeva, G. (2020). *Comparative literature*. Classical words. Tashkent. 15 p.
 14. Khudoiberdiyev, E. (2003). *Introduction to Literary criticism*. Tashkent: NSIM. 476 p.
 15. Maryland, M.D. (1987). *Contemporary Political Satire: Narrative Strategies in the Post-Modern Context*. Fletcher, Lanham. 230 p.
 16. Michael, R., Millan, M. (2007). *Essential dictionary for learners of English*. Oxford: 861 p.
 17. Palmeri, F. (1990). *Satire in Narrative*. Austin: University of Texas Press.
 18. Park, C. (2016) Carnivalism and Engaging Journalism in the Current-Affairs Podcasts in South Korea. *Advances in Journalism and Communication*, 75-88. <https://doi.org/10.4236/ajc.2016.43008>.
 19. Peter, Ch., & Roger, F. (2006). *The Routledge Dictionary of Literary Terms*. New York. 211 p.
 20. Podoprigora, S.Ya., & Podoprigora, A.S. (2013). *Philosophical Dictionary*, 382-383.
 21. Saltikov, Sh.M. (1952). *Literature and Art*. Moscow. 345 p.
 22. *The Acharnians / Aristophanes*. (1969). Trans. Douglass Parker. Michigan: Ann Arbor University of Michigan Press. 387 p.
 23. The Power of Ridicule: An Analysis of Satire Megan Le Bouef. (2007). Senior Honors Projects. 63 p.
 24. Tompson, A.B., & Angeles, L. (1948). *The Dry Mock*. 278 p.
 25. *Wild Pleasing Fables*. Times Literary Supplement. (1949). 824 p.
 26. Wilder, A.N. *The Critical Heritage*. Article. <http://books.google.ru>.
 27. Wilson, E. (1950). *Classics and commercials*. New York.
 28. Worcester, D. (1940). *The Art of Satire*. Cambridge: Mass. 243 p.
 29. http://ecommons.luc.edu/luc_theses/
 30. <https://flamenco.ru/>
 31. <https://polipharm.ru/>
 32. <https://uz.eferrit.com/>
 33. [saviya.uz / creation / literature /the magic of satire / -internet site](http://saviya.uz/creation/literature/the%20magic%20of%20satire/)